

Азиз газетхон! Шошинг! «Ёш мухбирлар сиртқи мактаби»га ёзилинг! У бугун биз — таҳририят ходимлари учун ҳам, сиз—газетхонлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, қизиқарлидир, ажойибдир!

Биринчи бор “Ленин учқуни” (бугунги “Тонг юлдузи”) ни қўлингизга олганингизни эслайсизми? Ушанда қайси мақола сизга кўпроқ маъқул бўлганди? Тенгдошларингиз ёзган мактубларни хотирлай оласизми?

Биз таҳририят ходимлари яхши эслаймиз. 80-йилларнинг ўрталарида газета тиражи 1 миллион нусхадан ошиб кетди. Демакки, унинг ўқувчилари сони ҳам шунча бўлди. Газетхонларнинг аксарияти эса болалар эди. Вилоят, туман, шаҳар мактаблари, ижод марказлари, маҳаллаларда олиб борилаётган қизиқарли ишлар ҳақида катта журналистлар қаторида жуда кўп ўқувчи ёшлар ҳам ёзишарди. Уларнинг хабарлари газетанинг кўркини очар, унинг мазмунига мазмун қўшарди.

Ота-оналарингиз, ўқитувчиларингиз яхши эшлади. Газета қошида “**ЁШ МУХБИРЛАР СИРТҚИ МАКТАБИ**” фаолият кўрсатар ва унга турли вилоятлардаги журналистикага қизиққан ёшлар аъзо бўлган эди. “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”га аъзо бўлганлар ой давомида ўз хат-хабарларини муҳарририятга юборишар, газета ходимлари уларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришар эди. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бу соҳага қизиққанлар учун эса ҳар ойда “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби” йиғилиши ўтказилар ва ёзилган ишлар муҳокама қилинар эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин: ушбу “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби” республикамиз матбуоти учун истеъдодли, бой дунё қарашли ва фикран теран қалам соҳибларини етиштирди. Ўз тенгдошлари ҳаётдан қизиқарли қилиб ёзиб, газетанинг мазмунли чиқишига кўмаклашган Ҳ. Мирзааҳмедов, Н. Аҳмедова, Р. Қирғизов каби кўплаб ёшларни газета ўз тарбиясига олди. Уларнинг кўпчилиги бугун радио ва телевидение, матбуот нашрларида маҳорат билан ижод қилаётирлар.

Аммо йиллар ўтиб, давр ўзгарди. Почта хизматининг, конверт ва маркаларнинг нархи ошгани сабаб бўлдики еки иккинчидий қийинчиликлар устувлук қилдимки, ҳарқалай, “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”нинг аъзолари камайиб кетди, баҳоли қудрат биз билан алоқада бўлиб турган ёш мухбирлардан ҳам хабарлар келмай қўйди. Бу бизни ташвишга солмоқда. Сабаби — газета сиз — ўқувчи ёшларники. Унда бугун сизнинг ҳаётингиз, сизнинг ташвишу муаммоларингиз, секинчиингиз ва ижодингиз акс этиши зарур. Бу борада бизга сиз — ўқувчи газетхонларнинг кўмаги жуда муҳим. Чунки, сизлардан келаётган ҳар бир мактуб болалар қалбини, уларнинг фикр-мулоҳазаларини билиб олишимизга ва шунга мос мақолалар тайёрлашимизга кўмаклашади.

Биз узоқ ўйладик ва шундай қарорга келдик: “Тонг юлдузи” газетасининг “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”ни қайта тиклаш лозим. Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Ушбу мактаб келажақда истеъдодли журналист бўлишни орзу қилаётган ўсмирлар ҳаётида ўчмас из қолдиришига ҳаракат қиламиз. Шундай қилиб “Тонг юлдузи”нинг “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби” яна ўз фаолиятини бошламоқда.

Аммо бу сафар унга аъзо бўлишни истаганлар учун бир нечта шартларимиз бор. Бунинг мактабга аъзо бўладиганлар учун синов десак ҳам бўлади. Бу синов шу йилнинг 1 июлига қадар давом этади. Шартлар эса қуйидагича:

“Ёш мухбирлар мактаби”га аъзо бўлишни истаган қиз еки ўғил бола белгиланган муддатта қадар уч мавзуда:

а) **МАКТАБ ҚОШИДАГИ, ТУМАН, ВИЛОЯТ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЮШМАСИНИНГ ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ИШЛАРИДАН, ФОЙДАЛИ ТАШАББУСЛАРИДАН БИРИ ҲАҚИДА;**

б) **МАҲАЛЛА ВА ТУРАР-ЖОЙЛАРДАГИ ТЕНГДОШЛАРИНГИЗ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИШЛАР, КАТГАЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ, МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК БОРАСИДА;**

в) **СИЗНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН МУАММОЛАР, ТЕНГДОШЛАРИНГИЗНИНГ ЮРИШ-ТУРИШИ, ОДОБ-АҲЛОҚИ, ЎҚИТУВЧИЛАР, ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ Тўғрисидаги ҚИЗИҚАРЛИ, ФАКТЛАРГА БОЙ, МАЗМУНЛИ МАҚОЛАЛАР, ХАБАРЛАР ЮБОРИШЛАРИ ЗАРУР.**

Муҳарририятга келган мактубларни таҳлил қилиб, биз ана шу мактуб эгаларидан энг истеъдодлиларини “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”га аъзо қиламиз. Унга газетанинг вилоятдаги “**ЖАМОАТЧИ ЁШ МУХБИР**” деган ўз ГУВОҲНОМАМИЗНИ тақдим этамиз. Бу мактабга аъзо бўлганларга ушбу гувоҳнома қизиқарли тадбирларда иштирок этиш, режалаштирилган кишилар билан

суҳбат қилиш имконини беради. Ушбу болалар доимо муҳарририят ходимлари билан, “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби” раҳбарлари билан алоқада бўладилар.

Бугунги кунда почта хизмати, конверт ва маркаларнинг нархи ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ўйлаган ишимизни амалга оширишда — “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”нинг ишини ривожлантиришда булар ров бўлмаслигининг олдини олиб, синовдан яхши ўтиб, мактабга аъзо бўлганлар учун маълум вақтларда “Тонг юлдузи”нинг конвертларидан вилоятларга юбориб туришни ҳам режалаштириб қўйдик.

Орангизда **ФОТОСУРАТЛАР ИШЛАШГА ҚИЗИҚҚАН БОЛАЛАР ҲАМ** жуда кўп. Бугун уларни ҳам ўз мактабимизга аъзо бўлишга даъват этамиз. Улар учун синов шартлари юқорида айтиб ўтилган мавзуларда учта (истаганлар учун ундан ҳам кўпроқ) фотолавларини юборишдир. Ўйлаган фикрингизни, сизни таъсирлантирган манзарани газета саҳифаларида кўриб, дилингиз яйрайди. **БИЗ БУНГА КАФОЛОТ БЕРАМИЗ.**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Тонг юлдузи” газетасининг “Ёш мухбирлар сиртқи мактаби”га аъзо бўлишни истагангиз ёзган мақолаларингизни, хабарларингизни почта орқали юбормай, **МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.** Бу сизга мақолангиз ҳақидаги, унинг ёзилиши борасидаги фикр-мулоҳазаларни аниқроқ ва тезроқ билиб олишингизга имкон беради. Манзилгоҳимиз сизга маълум! **ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 620-ХОНА.** “Амир Темур” хиебони енидаги 7 қаватли бино.

Хуллас, бугундан синов вақти бошланди. Ўзингизнинг қобилиятингизни синаб кўринг. Уялманг, иккиланманг, “Ёш мухбирлар мактаби”га аъзо бўлишга шошинг.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, “Тонг юлдузи”нинг “Ёш мухбирлар мактаби”га аъзо бўлган ва унда фаол иштирок этган болаларга **КЕЛАЖАҚДА ШУ СОҲАДАГИ ОЛИЙГОҲЛАРГА КИРИШЛАРИ УЧУН МУҲАРРИРИЯТ ЎЗ ТАВСИФНОМАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.**




Ҳеч кимни фарзанд доғи куйдирмасин. Жигарбандидан жудо бўлиш ота-она учун энг оғир мусибат. Шунинг учун ҳам ота-оналар, улар билан бирга ўқитувчилар, ички ишлар ходимлари болалар билан бўладиган ҳар қандай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ҳаракат қиладилар. Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан кейинги вақтларда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари камаймаяпти.

Шу йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳри йўлларига болалар иштирокидаги 121 та

Бундай фожиаларнинг олдини олишнинг бир йўли бор: болаларни, айниқса, кичик ёшдагиларни доимо назорат қилиб туриш, уларнинг катта йўл бетига ўйнашларига йўл қўймаслик, мактабларда, мактабгача тарбия муассасаларида йўл ҳаракати қондаларини ўргатиб боришдир. Бу ишларни амалга ошириш — ички ишлар ходимларининг йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш борасидаги тadbирларига катта кўмак бўлади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ички ишлар



ЭХТИЁТСИЗЛИК ФАЛОКАТГА ОЛИБ КЕЛАДИ

йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган. Бу фалокатлар оқибатида етти нафар бола ҳаётдан кўз юмган, 119 нафар бола турли даражадаги тан жароҳатларини олишган.

Бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил этиб кўрсангиз уларнинг аксариятида болалар йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинмаган. 24 март куни соат 10 лар чамасида 9 ёшли Зокир Жўраев яқинлашиб келаётган машинага эътибор бермай, Т. Зоҳидов кўчасини югуриб кесиб ўтган. Натижада Бахтиёр Усмонов бошқариб келаётган машина уни уриб юборди. Зокир тан жароҳати олиб касалхонага жўнатилади. Ёки мана бу мисол. 30 март куни 5 ёшли Ачил Гусейнов Буюк ипак йўлидаги 425-уй қаршидаги катта серкатнов йўлини кесиб ўтади. Катта тезлик билан келаётган автобус уни уриб кетади. Ҳар иккала ҳодисада ҳам болалар яқинлашиб келаётган транспорт воситалари олдида югуриб ўтишмоқчи бўлганлар. Бундай ҳодисалар эса ҳар куни кўлаб болаларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда.

Бош бошқармаси Давлат автомобил назорати ходимлари бу борада кўпгина ишларни олиб боришмоқда. Феврал ойдан бошлаб Яққасарой тумани мактабларида ўқувчиларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш ишларига яқиндан ердан беришмоқда. Шу йилнинг 14 апрелидан бошлаб эса шаҳар бўйича "Шаҳар йўлларида болалар хавфсизлигини таъминлаш ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу тadbирлар ҳар биримиз учун азиз бўлган фарзандларимизнинг умрлари узоқ бўлишига, ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олишга хизмат қилади. Шундай экан, келинг ҳаммамиз ушбу ойликда иштирок этиб, кўчада йўл ҳаракати қондаларини бузаётган болаларга бефарқ ўтиб кетмайлик. Бу содир этилиши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олиши муқаррар.

Анвар НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош
бошқармаси Давлат автомобил назорати
ходими.

Кичик одам билан катта суҳбат

Олимжон ЙЎЛДОШЕВ — Тошкент шаҳридаги 218-мактабнинг 11-синф ўқувчиси. Билимдон, иқтидорли, зукко бола. Физика, математика, тарих фанларидан ўтказилган шаҳар миқёсидаги олимпиадалар ғолиби. Келажакдаги орзуси ўз касбининг "пири" бўлиш.

— Олимжон, математика ҳамда тарих фанига қизиқишинг катта экан. Бунга сабаб нима?

— Ҳам аниқ билмайман. Отам

КИМЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАСАН?

ҳам, онам ҳам иқтисод соҳасида хизмат қилишди. Балки улардан юққандир.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина тенгдошларинг, ҳаттоки, айрим катталар орасида ҳам "минг ўқиганинг билан барибир биринг икки бўлмайди. Ундан кўра ўзингиз бозорга ўр", деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Сен бу гапларга қўшилисанми?

— Мутлақо. Кўпчиликнинг бундай хулоса чиқаришига балки ҳозирги шароит, иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлаётгандир. Ишончим комилки, булар ҳаммаси ўткинчи давр. Вақти келиб ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Илм ҳам ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топади. Умуман олганда, нафақат илм орқасидан, балки

ҳар қандай ҳунарни эгаллаб ҳам камолотга эришиш мумкин. Бунинг учун эса ўз касбига астойдил меҳр қўйиш, бошқача айтганда, касбининг "пири" бўлиш керак. Мисол учун, Японияда ҳар бир корхона ишчиси йил давомида камида икки мартаба ўзи ишлаётган дастгоҳни такомиллаштириш ҳақидаги таклифлар киритиши шарт экан. Акс ҳолда у ишсиз қолади...

— Тўғриси айт, бойиб кетишни орзу қиласанми?

— Бойишни ким ҳам хоҳламайди дейсиз?! Машҳур киноактёр Юрий Никулин "Мўъжизалар майдони" кўрсатувида иштирок этиб, "Бахт — фақат пулда эмас" дея бир неча бор такрорлаганди. Унинг бу гапларига ҳам қўшиламан. Фақат бойлик эмас, ҳар жиҳатдан бекаму кўстлик истайман. Энг муҳими, ота-онам ишончини оқлай олсам, ўзимни энг бахтли одам деб ҳисоблардим.

— Кимларга ҳавас қиласан!

— Ҳаётда ўз ўрнини топа олганларга.

— Нимадан кўрқасан!

— Қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, бировларга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган ношуд инсон бўлиб қолишдан.

— Ҳадемай мактабни ҳам якунлар экансан. Келажакда ким бўлишни орзу қиласан!

— Бу ҳақда ҳали бир тўхтамга келганимча йўқ. Лекин ким бўлишимдан қатъий назар, халқим назаридан қолмасам бўлгани.

Беҳзод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Ихтирочи Зафар

Киши бир нарсага қаттиқ кўнгли қўймасин экан. Кўнгли қўйдими, меҳрини ҳам, вақтини ҳам, билимини ҳам ўшанга сарф этар экан. Хуррам ака ҳам шундай. Жуда ёшлигидан ракеталарнинг моделларини ва нусхаларини ясашга меҳр қўйди. Техникага бўлган қизиқиш унинг мустақил ҳаёти учун касб танлашида ҳам етакчи роль ўйнади. У туман болалар ва ўсмирлар ижод марказида ракетамоделчилик тўғрагини бошқара бошлади.

Тўғрақ машғулотларига қизиқувчиларнинг бугун сони оз эмас. Болалар бу машғулотларда Хуррам ака Шоймардоновнинг ўғит ва маслаҳатлари билан турли хил ракеталарнинг моделлари ва нусхаларини ясашади. Улар орасида Хуррам аканинг ўғли — Зафар Шоймардонов ҳам бор. Отанинг ўз касбига бўлган қизиқиши ўғилга ҳам ўтган. Зафар мактабда аълога ўқиш билан бирга тўғрақ машғулотларига ҳам қизиқиш билан иштирок этмоқда. Бугунга қадар у "Союз", "Протон", "Ариана-01" каби ракеталарнинг нусхасини ясаган. Ўз моделлари билан вилоят ва республика мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Келажакда Зафар шу соҳанинг "этакини тутиб", конструктор-иختирочи бўлиш орзусида.

СУРАТДА: Сурхондарё вилояти, Денов тумани болалар ва ўсмирлар ижод маркази аъзоси Зафар Шоймардонов.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.




БОБОМДЕК БЎЛМОҚЧИМАН

Менинг бобом Юсуфжон ота Йўлдошевни Жиззах шаҳрида ҳамма танийди. Чунки у киши моҳир журналист бўлиб хизмат қилган. Газета саҳифаларида эълон қилинган жуда кўплаб ўқимишли, мазмунли мақола, хабар ва очерклари билан эл оғзига тушган.

Бобожонимни жуда-жуда севардим. Бундай дейишимга сабаб бобом яқинда, 87 ёшида оламдан ўтди. Бундан жуда куюндим. Мен ҳам бобом ишини давом эттириб, руҳини шод этиш ниятидаман. Бунинг учун эса ҳозирданоқ ҳаракат қилишим, ўқиб-ўрганишим, кичик-кичик мақола ва хабарчалар езиб, қаламимни чархлай боришим кераклигини яхши биламан. Шу мақсадда шаҳримиздаги "Ёш ижодкорлар уйи"да ташкил қилинган "Ёш мухбир" тўғрагига аъзо бўлиб, маҳоратимни ошира боришга интилаяпман. Журналистларни "Янгилик ва яхшилик жарчилари" дейишади. Келажакдаги орзуим шу номга муносиб бўлиб, худди бобомдек халқим хизматида бўлишдир.

Жасур ЙЎЛДОШЕВ,
Жиззах шаҳридаги "Ёш мухбир" тўғраги аъзоси.



Мен Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабнинг 7-синфида ўқийман. Ҳамма тенги болалар билан дўстлашиш ниятидаман. Газета орқали манзили эълон қилинаётган болаларнинг ёшлари кўпинча кўрсатилмайди...

702100, Чирчиқ шаҳри,
Ниязбек кўчаси, 2-проезд,
12-уй.

Ботир ҚОЗОҚБОЕВ.

САНКТ- ПЕТЕРБУРГДАН МАКТУБ КЕЛДИ-Ю...


"Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида "Дўстлик манзилгоҳлари" руқни остида манзилгоҳи эълон қилинган Санкт-Петербурглик тенгдошларимизга дўстлик мактуби йўллаган эдик. Тез орада жавоб хати олдик. Улар биз учун қизиқарли бўлган жуда кўп нарсалар ҳақида: мактаблари, ўқиш ва ишлари, қизиқиш ва интилишлари ҳақида езишибди. Бундан жуда хурсандмиз. Лекин наманганлик ҳамда қашқадарелик қизларга мактуб йўллаб, жавобини ололмадик. Нега шундай? Дўстлашиш ниятида манзилгоҳларини эълон қилдиришса-ю хат езишмасми?"

Юқоридаги сатрлар жаззаҳлик икки дугона Озода ва Норбодом исмли қизларнинг мактубидан келтирилди. Бу сатрларни ўқиб гезетада номи чиқиши учунгина манзилини юборадиган айрим ўқувчилар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсалар, ажаб эмас.

Қуйида ҳақиқий дўстликни қадрлай оладиган тенгдошларингизнинг манзилгоҳларини эътиборингизга ҳавола қилаёпмиз. Уларга хат езиб, самимий дўстлашинг!


708002, Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Бобур номидаги давлат хўжалиги, Ш. Дўстмуродов кўчаси, 77-уй.

Озода ХУДОЁРОВА.



Мақтабимиз "Орзу" дўстлик клубимизнинг рамзи оқ кабутар. Тинчлик ва қизларидан дўстлик тимсоли бўлмиш оқ кабутаримиз дўстларимиздан ўзбекистонлик қизлар билан ҳам жуда кўплаб мактублар олиб келишини истаймиз.


708415, Сирдарё вилояти, 743013, Қорақалпоғистон Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, республикаси, Амударё тумани, Ҳамза бўлими. 13-мактабнинг 1-бригада, "Орзу" клуби.



Муҳаббат
ҲАЙИТБӨЕВА,
Манзура
ХУДАЙБЕРГАНСА.

Аваз ҚОДИРОВ, Назарбек мавзеси, Й. Охунбобоев номидаги мактабнинг 7-“Б” синф ўқувчиси:

— Пешона тери тўкиб, пул топишнинг айби йўқ, деб бувам доим уқтирар эдилар. Катта ҳовлимиз бор. Эрта баҳордан отам билан уни парваришлаймиз. Ерни чопамиз, гўнг ташиймиз, экин экамиз. Экилганлар икки қулоқ бўлиб, ердан униб чиққанда мени ҳаяжон босади. Қилган



меҳнатининг натижасини кўрасанда... Бозорга биринчи чиққан пайтларим тенгдошларим орасидан бир-икиси “бозорчи” деб лақаб қўйиб юришди. Бунга парво қилмадим. Чунки мен ҳеч кимнинг нарсасини ўғирлаб, ё тортиб олиб, ё арзонгаровга олиб қўйганим йўқ. Меҳнат қилдим, уйдагиларимга ёрдам бердим. Ростини айтсам, ўша лақабчиларнинг анчаси ҳозир ўзи ҳам бозорчи.



Алишер МИРЗАЕВ, Ю. Шомансур номидаги 11-мактабнинг 6-“Б” синф ўқувчиси:

— Онамлар қилаётган ишимдан бироз

хафалар: “Дарсдан қолиб кетасан”, деб куй-

инадилар. Аммо мен унга

ҳам, бунга ҳам, яъни савдо-

сотикқа ҳам,

дарсларга ҳам ул-

гураепман. Бир

ҳажвиячи айтган

экан:

уйдан

бир сўм

билан чиқу, икки

сўм билан қайт,

деб. Биз ҳам

шунга амал

қилаяпмизда...



Бозорнинг ўзгача завқи бор. “Об қолинг”, “Кеп қолинг”, “Мазали”, “Тўйимли”, деб ўз нарсасини кўз-кўз қилаётган деҳқонларнинг, бозорчиларнинг савдо-

сотиғини кўриб, ўзинг ҳам улар оламига “қоришиб” кетасан. Хилма-хил, сархуш мевалардан дилинг яйрайди, кўзинг қувнайди...

Кейин фикрлайсан...



Бозор бугунги ҳаётимизнинг диққат марказида бўлиб қолди. Сир эмас, у ўз пешона тери билан бирон нарса етиштирган деҳқоннинг қорнини тўйғазса, устини бут қилса, осонроқ йўл билан пул топишни кўзлаганларнинг чўнтагини қаппайтиради. У бугун кимнингдир ҳаёт кечирishi зарурати бўлса, кимдир учун ҳаёт сабоғи ҳамдир. Бундай дейишимизга сабаб бор. Иқтисодий қийинчиликларни бошимиздан кечираётган бугунги кунда нафақат катталар, болалар ҳам ўзларини олди-сотти, пул топиш йўлига ура бошлашди. Бозорга разм солинг: бирон нарса билан




савдо қилаётганларнинг тенг ярми ўсмирлар. Улар учун алоҳида ибора ҳам пайдо бўлдики, бугун “Бозор болалари” сўзлари нафақат одатий, ҳатто анъанавийликка ҳам айланиб қолди.

Тўғри, узоқ йиллар давомида болаларга пул топиш, унинг билан

муомала қилиш йўларини ўргатмаганлигимиз, пулдан ёшларни четлатганимиз хато бўлди, деб тан олдик. Аммо бугун дарслардан, машғулотлардан воз кечиб, бозорда, кўча-қуйда, дўконларда савдо қилаётган болакайлар бу ишдан қандай фойда олаётдилару қандай зарар кўрмоқдалар (гап пулда эмас)?!

Ўйлашимизча, бу савол ўша “бозор болалари”нинг ота-



о налари, ўқитувчиларини ҳам ташвишга солаётган бўлса керак. Шу сабаб биз ўша болаларнинг ўзлари бу ҳақда қандай фикрда эканликларини билиш учун улар билан суҳбатлашдик.

Шухрат КАМОЛОВ, Тошкент шаҳридаги 46-мактаб ўқувчиси:

— Қаловини топсанг, қор ёнади, дейишади. Бугун ҳамма нарсага пул керак: музқаймоққа ҳам, кино, чиройли майкаларга ҳам... Қиммат нарсаларга ҳадеб катталардан пул олиш ҳам ноқулай. Шунинг учун ҳам “қаловини” қидириб




юраимизда. Йўқ, ўйламанг, бунинг ёмон томони йўқ. Қайтамга илгарилари уйдагилар берган пулни тезда ишлатиб ташлардим. Ҳозир оз бўлсада меҳнатим сингган уларга: иссиқда ўтираманг, кутилар огир ва яна ўзига хос қийинчиликлари бор. Шунинг учунми, бу пулларни ўйлаб, тежаб-тергаб ишлатаман. Қизиги шундаки, бир нозик томоним бор. Ишлаган пулларимдан укаларимга совға олиб беришни яхши кўраман.



Дониёр АЛИМОВ, Абдувоҳид АБДУЛҚОДИРОВ, Қобил МУСАНАЗАРОВ:

— Биздан катта акаларимиз у-бу нарса сотиб қолишса, доим милициядан кўрқишарди. Шунданми, савдо-сотик ишлари билан қачондир биз ҳам шугулланишимизни хаёлимизга келтирмасдик. Тадбиркорлик, деган гапни-ку,

умуман туншунмасдик. Ҳозир ҳам биз қилаётган ишлар тадбиркорлик эмас. Буни яхши тушунамиз. Аммо ҳозирча ўзимиз бирон маҳсулот ишлаб чиқара олмаймиз. Шунинг учун бор имкониятдан вақтинча бўлса ҳам фойдаланиб турибмиз. Бу бизга бозор “сирлари”ни, савдо “инжиқлари”ни билиб олишимизга кўмаклашмоқда.



Суҳбатдош Ш. СУННАТОВ.

КУЙИДА БЕРИЛАЁТГАН ШЕЪРЛАР буюк рус шоираси Марина Цветаеванинг айна сизнинг ёшингизда битган гўзал сатрларидан айрим намуналардир. Бу шеърлар болаликнинг соф, ўсмирликнинг кўҳди ва завқли давридан сачраган ёниқ учкунлар, самимий, нафис туйғулар ифодасидир. Айниқса, улар қиз болалар кўнглига бўйлаши, улар кечинмаларидан дostonлар айтиши билан янада қадри бўлиши турган гап. Бироқ бу шеърлар ҳаммадан ҳам инсоний дардкашлиги ва латиф теранлиги, кўнглига яқин оҳанги билан ўзига мафтун этади.

Имкони тугилганда М. Цветаеванинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида мухтасаргина тўхтасак. Шоира бор-йўғи 48 йил умр кўрди. Унинг ҳам кўпи дарбадарлик — муҳожирликда кечди. 1892 йил 26 сентябрда Москвада тугилган шоиранинг отаси таниқли филолог, онаси деҳқон қизи эди. Марина ҳали ўзини таниб-танимай, ўн ёшга етганда онаси кўкйўталга чалинади ва

даволаниш мақсадида чет элга кетишади. Италия, Германия, Швейцарияда бўлишади. Аммо хасталик чангали волидани кўйвормайди. У 1906 йилда Тарусда қазо қилади. Ва худди шу кунлардан 14 ёшли Марина бундан кейинги ҳаётини изга солиш учун елгиз йўлга чиқади. Москвадаги гимназияга кириб ўқийди. Мусибатларни енгишда унга шеър Илоҳаси ёрдамга келади. Яъни шу палладан у шеърлар, кундаликлар ёзишга гутиниб, неча-неча дафтарларни туйғулар исёнига тўлдириб ташлайди.

1912 йилда ёруғлик кўрган илк китоби “Кечки хотира”даги шеърлар 14-16 ёшлик чоғларида битилгандир. Китобчани у ўзи устоз деб билан шоирларга йўллаб фикрларини билдиришни сўрайди. Шундайлардан бири ўша давр рус шеърятининг кўзга кўринган вакили Валерий Брюсовдан қимматбаҳо хат келади. Бу бор-йўғи 500 нусхада (буям ўзининг ҳисобидан) чиққан китобча адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирганидан даракчи эди.

Шундан ижодни ўзига қисмат деб билган шоира тинимсиз ижод қилди, ўнлаб китоблар тақдим қилди, бироқ унинг юзлаб шеърлари 20-30-йиллар дафтарларида қолиб, ўлимидан анча кейин ёруғлик кўрди. Алқисса, бу шеърлар уни XX аср рус шеърятга, қолаверса адабиётининг энг ўлмас намоёндаларидан бирига айлангандир. Бироқ бу жуда кеч қарор топди.

1917 йилги тўнтаришлардан бошлаб унинг ҳаёти қарийб издан чиқди. Оқ гвардия офитсери бўлган турмуш ўртоғи Сергей Эфрон қизилларнинг галабасидан кейин Ватандан кетиб, 4 йил бедарак юради. 1922 йилдагина ундан хат келиб, Прага дорилфунунда ўқиётгани маълум бўлади. Инқилобни қабул қилолмаган М. Цветаева ҳам Чехияга жўнайди. Кейин Франция шаҳарларида

жуда оғир муҳтожликда яшайди. Ҳаммадан уни Ватан соғинчи кийнаб “бунда мен кераксиз, у еққа бориш мумкинмас” дея куйиб, ўртаниб кунлари ўтади. Аммо иккинчи ёқдан тобора кучаяётган фашизм хавфи уни баттар беқўним қилиб қўяди. Охири бир йўлини қилиб, 1939 йилда СССРга қайтади. Жони-жаҳони билан шеърлар ёзишга киришиб, тирикчиликни юритади ҳамда гўзал шеърят дурдоналарини немис, француз, испан, чех тилларидан таржималар қилади. Аммо уни, оиласини таъқиб қилишлар кучайгандан кучаяди. Келганларига кўп бўлмай эри билан қизини қамоққа олишади. Ўзининг ҳам боши сўроқлардан бўшамайди. У эса меҳнатдан, ижоддан барибир тўхтамайди. Жуда кўп ишлар қилишига қарамай, уни роса чиғирикдан ўтказиб, 1940 йилдагина Москва адабиётчилар уюшмасига қабул қилишади.

Улуғ Ватан урушининг бошланиши унинг

Гул шеърларим кўз очди эрта

ҚИЗ БОЛА ИҚРОРИ

Мен навроста қиз бола холос,
Таққанимча бахт узугини.
Теграм бўри, солишар уввос,
Бурчим англаш қўзилигимни.
Ой қасрлар, хаёл қиламан,
Айлантириб орзу паррагин.
Қўғирчоққа яқин биламан,
Ўйинчоққа ўхшаш юрагим.
Панжаларим қисмайди қилич,
Жарангламас сероҳангли тор.
Ичга ютгим ҳам ҳамда севинч,
Эҳ, менгина бор-йўғи шикор.
Юлдузларга кўз ташлаб теран
Наҳот ёниқ менинг ситорам.
Кулгичлари гуллаган сирдан
Кўнгишларга садқа дил нолам.

Гул шеърларим кўз очди эрта,
Билолмайман, мен шоирманми?
Шалолдек сачради эрка,
Ёрди учкун дор дарани.
Ҳар еқ елгон, тушлар хукмрон,
Аро ёнди митти, хур садо.
Ўспиринлик, ўлимдан дoston
Сўйладилар, янгица наво.
Тун, тербандлик, юраклар ташна,
Қондирмайди дўкон, айланай.
Дардингизга муносиб ошна,
Менинг шеърим энг лаззатли май.

“Гуноҳимдан ўтинг, тоғларим
Дареларим, авф этинг, мени.
Кечиргайсиз гулзор — боғларим
Дала-даштлар кечиринг энди...”
Ҳоч узатар экан аскарга
Она ўлин сўнгибор кучар.
Бўм-бўш қаср — ол лабларидан:
“Дареларим, кечиринг...” учар.

ЛЮКСЕНБУРГ БОҒИДА

Гуллаган бутоқлар энгашган
пастта,
Ҳовуз фаввораси чулдирар сим-
сим,
Ўйин ҳиебони тўла навроста,
Қани болалигим, бинафша бўйим.
Бошчаларда нурдай шовуллар
кокил,
Чақнар нигоҳлардан шаффофлик
гўе.
Волидалар тергар, эҳ қаринг дил,
Юрагим ҳайқиради:
“Сеники дунё”.
Гулдор дуррачали бўй қиз —
капалак,
Ҳиебон ҳокимаси араз, кулгуси.
Уйда ҳалак кўнгиш эртадан дарак:
— “Наҳот шу шайтонча келин
бўлгуси?!”

Таржимон.

Аёлларча севгум ва кўрқамас асло,
Балки жангоҳларда қурилар
тахтим.
Шамшир тутганда ҳам иқрорман
ҳатто
Бешиқ асирлиги — энг асл
бахтим.

САЖДА

Бошланиб келмоқда умрим
бахори,
Ҳайратта зор менда Обло ва Исо.
Гўзал ўлим бергин,
парвардигорим,
Касб этсин бир лаҳза ҳаётим
маъно.
Донишлигинг тубсиз, жабр этиб
дема:
“Қавоат қил, ҳали бор пича
муддат”.
Ахир ўзинг тутдинг руҳоний кема
Чулради уммонларни ҳавасим —
ҳайрат.
Ўғрилиқка куйлаб борган
лўлидек
Инжа, телба кўнглим барин
хоҳлайди.
Пойгада Суворадир қатрон
кўргулик,
Даштлар оҳангига умид боғлайди.
Аҳтариб юлдузларни маъсум
болалар,
Қора минорада ёдим ёқади.
Такрорсиз ривоятим — ўтган
кунларим —
Беғам ақлсизлик қўққа боқади.
Кўнглим — сониянинг беғубор
изи,
Севиб эзиламан гул кўриб тошда.
Тухфанг-болалигим сўнаётган
базм
Энди ўлим бергин ўн етти ёшда.

ЎН БЕШ ЁШИМ

Ҳайқиради хотирага қорилган,
Дилдан чиққан: — “Ўн бешинчи
ўқ”.
Сўнгсиз йўқотганим — борлигим
Асрамоқнинг ҳеч иложи йўқ.
Ҳали кеча, яшил қайинлар
Субҳ хаёли билан телбаман.
Дурра танриб, маъсум зайлда
Шарпадай келсан.
Баҳор овози жуда йироқда
“Югур ва ет” ўтмас маслаҳат.
Чорлар, ўйнар ул кўнгироқлар
Умр бешафқат!
Олдинда нима бор, сирдошим
Бой беришлар, алдов ва таъқиқ.
О, алвидо ўн беш ёшлигим
Топилмас ақиқ.
Вафо ФАЙЗУЛЛО
таржималари.

**ЁНИҚ
ШЕЪРИЯТ**



кулфатини баттар оширди. Шимолнинг бир чети Камадаги Елабул шаҳрига эвакуация қилинган бошқа адабиётчилардан фарқли ўларок, у ҳатто иш билан ҳам таъминланмади. Ҳали 48 ёшга тўлмаган буюк шоира оч қолмаслик умидида ўзини хор қилиб бўлсада ўз орини топтаб, у ерга кўчиб келган Адабиёт жамғармаси раисини номига илтимоснома битди. Аризада адабиётчилар учун очилаётган ошхонада идиш-товоқ ювувчи қилиб олиш сўралганди. Бироқ унинг бу илтимоси ҳам қондирилмайди.

Натижада умидсизликка тушган, касалманд, оиласидан айри, кутганлари саробга айланган буюк шоира 1941 йилнинг 31 августидан қизи, эри ва адабиёт аҳлига учта хат қолдириб, ҳаёт билан видолашади...

БИРОҚ УНИНГ ДИЛБАР ва соф шеърятини Бўлмасдир. Эҳтимол, ўсмирликда битилган, ҳукмингизга ҳавола этилаётган шеърлар гўзаллигидан ҳам бунга амин бўларсиз. Бироқ бу таржималар унинг аслиятдаги ижоди билан сал бўлса-да ўзбек боласини таништириш умидидаги уринишларимиз меваси, холос. Бу уриниш озгина бўлса-да кўнглига чироқ ёқиб, бу гўзал шеърятга қизиқиш, интилиш уйғотса, биз кўзлаганимизга эришибиз дея худога шукурлар қиламиз.

РАҚАМЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲИҚМАТЛИ СЎЗ

Аввал куйида таърифлари баён этилган очкичдаги сўзларни топинг. Сўнг маълум бўлган сўзларни рақамлар билан алмаштириб, жумбоқни ҳал этинг. Бунда XI — XII асрларда яшаб ўтган хоразмлик олим ва шоир Замахшарийнинг икки мисра ҳиқматли сўзларини билиб оласиз.

Очкич сўзлар:

1. Мағрурланишдан орланишни ифодаловчи инсоний фазилат — 15,3,14,4,3,6,8,2,15.
2. Буюк ишларга қодир катта куч — 10,11,7,6,3,4.
3. Мусиқа асари, куй — 9,17,3,1,5.
4. Илтифот, маҳорат сўзлари маънодоши — 8,11,4,13.
5. Дарсни ўзлаштиришда кўйиладиган баҳо — 18,6,12.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

4	3	1	2	10	8	2	5	11		
12	3	6	3	13	2	1	5			
9	4	3	1	5	7	3	1	7	2	6
14	16	17	6	2	18	9	1	8	2	15
14	11	12	13	2	10	8	2	15		
9	1	3	1	5	7	3	1	7	2	6

Суюкли фарзандимиз МАҲМУДЖОН!

Сени таваллуд кунинг, умрининг 5 баҳорини қаршилаган қувончли онинг билан чин дилдан муборакбод этаман. Сенга чинор умридек боқий умр, метиндек мустаҳкам соғлик тилаймиз. Нурли чеҳрангдан табассум аримасин! Яратгандан камолотингни тилаб, даданг Омон ОЛИМОВ. Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қишлоғи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВО.

Тахрир ҳайъати:
С. БАҲОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕИ МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг сешанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ-32 УЙ
Напр кўрсаткичи: 62563

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-903. 75244 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А-3.

Босишга тошпириш вақти 19.00. Босишга тошпирилди 19.00.

1 2 3 4 5 6